



Кўкон осмони узра кўтарилган кора куюн кўланкаси ўн саккизинчи йилнинг бахоридаёк кадим Бухоро миноралари устига етиб келди. Ўша йилнинг бахорида кўтарилган конли ойболта йигирманчи йилнинг ёзини охирлатиб кундага тушди. Ойболта кундага тушгунича Бухородаги ички ҳолат бўрон арафасидаги нотабий осойишталикни эслатарди. Амир томонидан бошқарилаётган кема икки бор калкди. Биринчи калкиш «Ёш бухороликлар» гуруҳи томонидан 1917 йилнинг 7 апрелида амир арки ёнида уюштирилган тинч намоёиш ва амирга юборилган талабномаларда акс этди. Воқеаларнинг ривожини «Колесов юриши», қуролли инқилобчиларнинг мағлубиятга учраши ва амирнинг тараккийпарвар жаҳидлардан ўч олиши билан якунланди. Иккинчи бор калкканида эса кизил кўшин тўғони кемани гарк этишга муваффақ бўлди. Шу даврда Бухоро аҳолисининг асосий қисми майда дехқон хўжалигида дехқончилик билан шугулланарди. 1917 йилда 669.640 минг десятиналик сугориладиган ерга эга бўлиб, унинг асосий қисмига пахта экиларди.

Когондан Амударё киргоқларига ястаниб ётган бесарҳад чўлларини осмонўпар тоғу яйловларидан ҳар йили 800 милён атрофида қорақўл тери олинар ва етиштирилган хом ашёсининг 88 фоизини Русияга чиқарарди. Амир фуқароларининг умумий сони эса 2 милёнга яқинлашиб қолганди.

Халқ орасида жиддий нуфузга эга бўлган «Ёш бухороликлар» гуруҳи шундайин нозик бир даврда тарих саҳнасига чиқдики, ҳаттоки амир ҳам улар билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўлиб қолди. Чунки сиёсий ҳолат ва тарихий зарурият шуни такозо қиларди. Бу гуруҳнинг жонқуярлари қосибу ҳунармандлар ва ҳатто амир сарбозлари орасида ҳам топиларди. Шу сабабли бошқа жамоалардан халқ орасида таъсир доираси ва кўламининг кенглиги билан ажралиб турсада, гоёси халқнинг қуйи ва ўрта табақа вакиллари онгига сингиб улгурмаганди. Фақатгина, бир ҳовуч демократик қайфиятдаги мусулмонлар ва эндигина тетапоя бўлаётган миллатпарвар маҳаллий буржуялар томонидан қизгин қўллаб-қувватланарди, ҳолос.

«Ёш бухороликлар» феврал ўзгаришигада мамлакат ҳаётининг ҳамма жаҳҳаси тараккийётига тўсик бўлиб турган эскича феодал ишлаб чиқариш муносабатларини синдириш, ўрта асрчилик истибдодини йўқ қилиш, уни замонавий илғор буржуа демократик тизими билан алмаштириш тарафдори бўлиб чиқдилар ва ўзларини дастлаб жаҳидлар оқимининг вакиллари деб ҳисобладилар. Ўнг қанот вакилларида А. Муҳиддинов «Биринчи намоёишгача» (яъни феврал инқилобига) бўлган даврдаги бизнинг мақсадимиз конституцион монархия ўрнатиб, амир Олимхонни Файзулла Хўжаев

билан алмаштиришдан иборат эди» деб ёзади. Уларга бу ишда афгон элчиси Гулом Набихон ёрдам беражаги ва кўмак эвазига у бош вазир лавозимига кўтарилиши лозим эди.

Инкилоб арафасида Бухорои шарифда 12 та муфтий унвонига эга бўлган уламо бўлиб, уларнинг энг забардасти хисобланмиш Махмудхўжа Бехбудий ва Мулло Икром амир хамда амир тизимини танкид қилиб мақола ва рисолалар битганди. Айни вақтда улар халқ орасида Бухоро жаҳидчилигининг отаси деган юксак номга ҳам сазовор бўлишганди. Улардаин тараккийпарвар кучларга қарши, эскилик ва бидъат тарафдори ва ўзларини «қадимийлар» деб аталадиган гуруҳга Мулло Абдураззоқ бошчилик қиларди. Ўз навбатида тараккийпарвар жаҳидлар ҳам маълум сабабларга кўра ўнг ва сул канотга ажралиб кетганди. Анчайин шиддаткор ва инкилобий гуруҳ бўлмиш сўл канотга маърифатпарвар шоир ва ёзувчи Абдурауф Фитрат ва Файзулла Хўжаев бош бўлган бўлса, бир-мунча юмшокрок, амир билан келишувчанлик, уни ислохотларга ундовчи сиёсат олиб боровчи, қон тўкилишини кечиримсиз гуноҳ деб билган ўнг жаҳидларга Абдувоҳид Бурхонов, Мухиддин Мансуров ва Садриддин Айний бошчилик қилардилар.

Русиядаги феврал инкилобининг хароратли нафаси империянинг чекка бир ўлкаси, ярим мустамлака (феврал ўзгаришидан кейин Бухоро ўзини мустақил давлат деб эълон қилганди) Бухоро музофотига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Вазият тақозосига кўра Керенскийнинг Вактли ҳукумати амирлик бошқарувида ҳам демократик ўзгаришлар киритишни таклиф этади. Бу ишларга Миллер бош-қош бўлади. «Ёш бухороликлар» ҳам «махсус кенгаш» қақриб, муваққат ҳукумат амирга давлат бошқарувида демократик ўзгариш киритиш ҳақида таъйик ўтқазишни сўраб А. Фитрат ва Усмонхўжаевни вақил этиб юборади, Вақиллар Ўренбургдан қайтишга мажбур бўлади, чунки Миллер сирли топшириқлар олиб Бухорога етиб келади ва жаҳидлар билан музокара олиб боради. Амирга бир томондан салтанат бошқарувида жаҳидлар жиддий ўзгартиш киритишни талаб қилса, иккинчи томондан қадимийлар, ҳурофотчилар билан биргаликда қонсираётган Урганжий бошчилик қилувчи гуруҳлар қатогонни қучайтиришни талаб қиларди. Қай йўсинда бўлмасин амир жаҳидларга ён беришга мажбур бўлади ва 1917 йилнинг мартида ҳуррият манифестини (фармонни) эълон этади.

БУХОРО АМИРИНИНГ ФАРМОНИ

Улки исми раҳмондир.

Фуқароларимизнинг ҳамиша манфаатларини ва бахт-саодатларини кўзлаб, биз ҳукумат идораларимизнинг ҳаммасини мумкин қадар қенг равишда яхшилашга, уларнинг барча суиистимолларини ва нотўғрилиқларини халқнинг истагига биноан сайлов асосида йўқотишга қарор қилдик. Барча яхшиланишларнинг ва қойдали ўзгаришларни барча фуқароларимизга эслатиб, биз уларни Бухоро халқи учун қойдали тараккийёт ва илм нури билан Бухорони ёритиш тўғрисида ўз зиммамизга олган қатъий қароримизни адо этишда ёрдам беришга қақирамиз.

Авалло биз қозихоналарни ҳамда хирож (ердан олинадиган солиқ), қакот (пул, қорва

моллари ва ҳаракатдаги молу мулкдан олинадиган солик) ва бошқа солиқларни ундиришни бузилмас адолат асосига курамыш, мамлакатда саноат ҳамда савдони, хусусан, қудратли Русия билан ривожлантиришга алоҳида эътибор берамиз. Жами амалдорлар, маъмурий хизматчилар назорат остига олиниб, уларга маош тайинланиб қўйилади ва хизмат ишларини бажарганликлари учун уларнинг ҳар қандай ҳақ олишлари ман этилади. Сўнгра биз мамлакат шариат амрига мувофиқ равишда фойдали илм ва фанларни ривожлантириш ва рағбатлантириш учун ҳамма чораларни қўрамыш.

Пойтахтимизда истикомат қилиб турган фуқароларимизнинг сихат-саломатликлари, бахт-саодатларини қўзлаб биз аҳолига ҳалқ ҳукуматига лойиқ кишилардан шўро сайлаб қўйиш ҳуқуқини беришга қарор қилдик. Шу кишилар мамлакатимиз пойтахтини соғломлаштириш ва обод қилиш тараддудини қўргайлар.

Шунингдек, бундан буён давлат хазинасини таъсис этиш, келадиган даромадларни ва давлат эҳтиёжларига сарфланадиган харажатларни аниқ ҳисоблаб ҳонлигимизнинг сармоясини белгилаб қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бухоро давлатининг бахт-саодатини қўзлаб келадиган барча ишларимиздан ва берадиган фармойишларимиздан фуқароларимизнинг ҳаммаси аниқ ва ўз вақтида хабардор бўлиб туришлари лозим деб ҳисоблаб, пойтахтимиз Бухорода босмаҳона барпо қилишни лозим топдик. Унинг биринчи вазифаси зарурат тугила бориши билан алоҳида хабарларни ҳамманинг фойдаланиши учун ва бухороликларнинг фойдали маълумотлар олиши учун нашр қилиб туришдан иборат бўлади.

Халқимизнинг бахт-саодати учун Бухоро ҳонлигида ўз-ўзини бошқаришга эҳтиёж борлиги аниқланиши билан уни янада ривожлантира бориш тадориқини қўрамыш. Шу тантанали воқеани нишонлаб, бизнинг буюк ҳомиймиз Русия билан маҳкам бирлашиб халқнинг розилиги ва маъқуллаши билан турмадагиларни қамоқдан бўшатишни буюрамыш.

Жума, жумодис-сонийнинг

(1917 йилнинг 7 апрели) 1335 хижрий йили, 28 куни.

Бухорои шариф. Бухоро амири Сайид Олимхоннинг катта муҳри».

Фармони олий эълон қилиниши билан амир Бухоросида одат тусига кириб қолган фармонни қутлаш маросими бўлиб ўтади. Мазкур маросимда Файзулла Хўжаев ҳам амир саройида масъул амал эгаси бўлган амакиси Латиф Хўжаев туфайли иштирок қилишга муваффақ бўлади.

Амирнинг ҳуррият манифести жамиятлар, сиёсий гуруҳларнинг ўртасида кизгин муҳокама қилинди, сиёсий тортишувларга ҳам сабаб бўлди. А. Фитрат ва Файзулла Хўжаев бошлиқ сўл гуруҳдагилар шаҳарда қўп минг кишилик намойиш ўтказиб, халққа ҳақ-ҳуқуқини танитиб, сиёсий онгини оширишни илғари сурса, Абдувоҳид Бурҳонов, Рифъат Мусо Сайиджонов ва Садриддин Айний бошлиқ эски жаҳидлар қонли ларзаларга йўл қўймай ислохотни аста-секин, босқичма-босқич тарзда амалга ошириш тарафдори бўлдилар.

Ўша куни Фитрат ва Ф. Хўжаевлар бошчилигида намойиш ўтказилди. Бу тўғрида Ф.

Хўжаев куйидагиларни ёзади: «Эрталаб «Ширкати баракат» магазини олдида келганимда фаол ходимларнинг 150 га яқини келган экан. Юриш эрталаб 8—9 ларда бошланди. Амирнинг фармонида майда миллатлар, эронийлар, яхудийлар, лезгинлар тенг ҳуқуқлиликл олган бўлса ҳам намоишга катнашдилар (улар камситилиб белига белбоғ ўрнига аркон боғлаб юришга мажбур этиларди. Ш. Д.) ...Намоиш бошланганида 1000 га яқин киши катнашаётганди, лекин йўл-йўлакай намоишчиларга тўда-тўда одамлар кўшилаверди ва тез орада намоишчиларнинг сони 5—7 минг кишига етди. Намоишчилар кўтарган кизил байроқларга ўзбек ва яхудий тилларида «Яшасун хуррият», конституция, матбуот эркинлиги ва мустақил мактаб, ҳатто «Яшасун ҳалоскор амир» деган шиорга ҳам кўзим тушди.

...Намоишчилар чит растаси орқали Бозор кўчасидан ўтиб Говкушонга етдилар, намоишчилар сони кўпайгандан-кўпайиб бораверди ва Хиёбон томон йўл олди. Хиёбоннинг ўзида эронийларнинг вакиллари гуллар кўтариб намоишчиларни кўлладилар ва Хиёбонда катта митинг ўтказди. Сўнгра намоишчилар оқими Регистон томон йўл олди. Регистонда мулалар томонидан ташкил этилган ва жуда хаяжонланган 7-8 минг кишиликл оломон йигилган экан, уларга амирнинг сарбозлари ҳам хайрихоҳ бўлиб турганди. Тўқнашувнинг олдини олиш ниятида намоиш фаолларидан Абдувоҳид ҳаммани уй-уйига тарқалиши тўғрисидаги хабарни эълон қилди.

Амир сарбозлари ўша куниёқ 30 га яқин намоишчини тутиб каттик жазолади. Улар орасида С. Айний, Мирза Насрулло, Мирза Соҳиббой ва бошқалар бор эди. Амир ҳибсга олинганларни Осиёнинг эски одати бўйича қалтақлаш тўғрисида буйруқ беради.

Мирбобо ва Айнийга 75 дарра, Мирза Насруллога эса 150 дарра урилади.

Намоишчиларнинг фаоллари Когонга қочиб жон саклайдилар.

«Ёш бухороликлар» амир билан Русия ваколатхонаси орқали музокаралар олиб боришга киришдилар.

Илк қуртаги 1913 йили ташкил топган мазкур сиёсий гуруҳ 1917 йилга келиб сиёсий партия сифатида шаклланди. Абдурауф Фитрат бу партиянинг сарқотиби вазифасини бажарарди. «Ёш бухороликлар» етук сиёсий партияга айланмасданок, пухта дастурга эга бўлмасданок сиёсий жанг майдонига кирганди. Шунинг учун тинч намоиш оммавий қиргин билан яқунланди, жипсликка анча путур етди, дин мутаассибларининг қаршилиги туфайли халқдан анча йироқлашиб қолди. Шу боис партия сарқотиби А. Фитратга 1918 йилнинг январ ойида «Ёш бухороликлар» партияси дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилади. Дастурга миллий буржуазия раънақини қарор топтирган «Ёш турклар» партиясининг дастуридаги гоёлар асос қилиб олинади. Чунки Туркия ва Туркистон тараккиётининг ҳамма жаҳвалари деярлик баробар даражада эди. Марказий Қўмита топширигига кўра Фитрат ёзган ислохот лойиҳасида Бухорода ҳуқуқ асосида қурилган давлатчилиқни жорий этиш, ўрта асрчилиқдан қолган Шарқ истибдодини оврўпача маърифатли монархия билан алмаштириш ҳамда меҳнатқашлар оммаси-нинг фаровонлиги ва маданиятлиқини ошириш негизида Бухорони иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан мустақамлаш гоёлари илгари қурилади. Бу гоёлар «Ёш турклар»нинг «Иттиҳод ва тараккиёт» фирқаси дастурида ақс этганди.

Иши ўнгидан қелавермаган «Ёш бухороликлар»нинг сўл қанот вакиллари энди очикчасига қизил қўшин ёрдамига ишониб қурулли ҳужумга тайёрлана бошлади.

Ҳадидлар ҳаракатининг иккинчи гуруҳи 1917 йилнинг апрелидаёқ «Шўрои Исломия» җамиятини тузганди. Бу гуруҳ Муҳиддин Мансуров, Абдурахмонхўжа, Убайдуллахўжа (Ғайзулла Хўжаевнинг амакиси) бошчилигида ғайридинлар ёрдамига сўянмаслик,

айникса, кизил кўшинни Бухоро тупрогига киритмаслик тарафдори бўлиб чикдилар. А. Фитрат ва Ф. Хўжаевлар «Ёш бухороликлар»га бош бўлиб, Колесов билан куруллик кўзголон уюштиришга келишиб олади. «Совет хокимияти ичидаги сўнги калъа» бўлган амирликни тугатишга «Ёш бухороликлар»дан кўра Колесов кўпроқ шошиларди. Чунки Колесовнинг ўзи Асхободдан Тошкентга келаётганида йўлда «Ёш бухороликлар» делегациясини қабул қилиб, «кўзголонга тайёргарлик кўринглар», деб буйруқ беради. Кўзголонга раҳбарлик қилиш учун «Ёш бухороликлар» Инкилобий кўмита сайлайди, унга Ф. Хўжаев, А. Фитрат, Отахўжаев, Бурхонов, Агдаров, Пулатов ва Фазлиддин махсумлар аъзо бўладилар.

Милодий йил ҳисоби бўйича 1918 йилнинг 16 мартда кун ярмидан оққанда Ф. Колесов тўплар ва пулемётлар ортилган эшелон билан Янги Бухоро (Когон)га етиб келдилар. Ўша кунгиде «Ёш бухороликлар» кўлига курул тутқазади. Ва биргалашиб амирга талабнома кўяди, унда шартларга 24 соат ичида жавоб йўллаши ва сарбозларини курулсизлантириш талаблари кўйилган эди.

Бухоро амирига юборилган ултиматум матни қуйидагича эди.

«БУХОРО АМИРИГА.

1. Ушбу билан бирга сизга «Ёш бухороликлар»нинг талабларини юбораётирмиз ва бу талабларни ҳеч бир ўзгартирмай 24 соат ичида қабул қилишингизни сўраймиз.
2. Сизнинг ҳузурингиздаги ҳукумат тарқатиб юборилсин ва унинг ўрнига «Ёш бухороликлар»нинг Ижроия кўмитаси тайинлансин, бутун хокимият «Ёш бухороликлар» Ижроия кўмитасининг қўлида бўлажак. Янги ташкил қилинган ҳукумат мазкур Ижроия кўмита томонидан Сиз билан қилишиб тайинланади.
3. Агар қон тўқилишини истамасангиз бу талабларни албатта қабул қиласиз. Агар қабул қилмасангиз тўқилган қон учун сиз жавобгар бўласиз. У ҳолда нимаки ҳаракат қилиш бизнинг ихтиёримизда бўлади. Сизнинг жавобингиз бизнинг талабларимизга мувофиқ бўлиши лозим. Агар Сизнинг бирор жавобингиз бизнинг талабларимизга зид бўлиб қикса, талабларимиз қабул қилинмаган деб ҳисоблаймиз.

Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг Раиси , Федор Колесов.
«Ёш бухороликлар» Ижроия Кўмитасининг Раиси Файзулла Хўжаев»

Амир тоқатсиз инкилобчиларга ултиматум жавобини йўллайди, унда шахсан амирнинг ўзи қўйилган талабларга қарши эмас ва уларнинг амалга ошишидан хурсанд, лекин халқ бу ўзгаришларни қабул қилишга тайёр бўлмаганлиги сабабли ултиматумда кўзда тутилган ҳамма талабларни дарҳол амалга оширинглар деб қистамасликни, аста-секин, босқичма-босқич бажаришга рози эканлигини билдирди.

Тоқатсиз куруллик инкилоб-чилар Эски Бухорога ҳужум бошлашидан олдин амирдан иккинчи мактубни олади. Мактубда амир ултиматум шартлари қабул қилинганлигини билдириб, қуйидаги бир неча шартларни инкилобчилар олдига қўяди:

1. Юборилган Ултиматумнинг ҳам шартларига розиман, факат кизил кўшин шахарга киритилмаслиги керак.

2. Шахарда «Ёш бухороликлар» намоиш ўтказмаслиги лозим.

3. Таклиф этилган талаблар хозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмайди, балки имкони борича амалга оширилади.

Тошкенту Кўкон кўчаларини кизгалдок рангга бўяган кизил гвардиячилар амир шартларни бажармади деб ҳисоблайди ва эрта сахардаёқ Когон — Бухоро темир йўли бўйлаб биринчи бўлинмасы, Каттатош йўли бўйлаб иккинчи бўлинмасы «котиб колган ўрта асрчилик истибдодидаги феодал ислом мамлакати»да инкилобий ҳокимият ўрнатиш учун ўн саккизинчи йилнинг мартида кам сонли (200 атрофидаги) «Ёш бухороликлар»га суянган холда «Осиёнинг энг кора диний марказларидан» бири бўлган, «аксилинкилобчилар, ок гвардиячилар ва жахон империализмининг карвонсаройи» (В. Куйбишев) бўлиб куролли инкилобчиларнинг гашига тегаётган мустакил Бухоро устига, курол кучи билан инкилобни ёйиш ва чуқурлаштириш максатида конли хужум уюштирди. Халкимиз бошига чексиз кулфатлар келтирган, милёнлар калбини куйдирган, ўн минглар жонини олган, йўксилларча «байналмилал бурч» деган шиор илк бора ўша машъум кунлари янгради.

Умрида елкасига кетмондан бошка курол тутмаган «саводсиз, алданган кора авом халк» (М. Фрунзе) паншаха, ўрок ва болта билан куролланган холда миллат, эътикод ва ватан химоясига отланди.

Бу конли воқеалар ва фожеаларнинг бевосита фаол иштирокчиси Файзулла Хўжаев куйидагиларни ёзади: «...режада мўлжалланганидек ичдан туриб кўзголон бошлаш мумкин бўлмади. ...Куролли кўзголон (аслида конли агрессия) ичдан эмас, сиртдан бошланди. Кўзголон халк кўзголонни тарзида эмас, балки ўрис ва Бухоро кизилгвардиячиларининг кичикрок аралаш отрядлари томонидан Бухорога килинган хужум тарикасида бошланди.

...Шундай вазиятда «Ёш бухороликлар»нинг режаларини аҳоли қўллаб-қувватлаш у ёқда турсин, балки аксинча, амир ҳукумати аҳолини «Ёш бухороликлар»га гиж-гижлашга, аҳоли орасида миллий ҳиссиётнинг ва диний мутаассибликнинг зўр тўлкинини кўзгашга, «Ёш бухороликлар» Ватанни ўрисларга сотаётган хоинлар, дини исломни таҳкирлаётган кишилар» деб кўрсатдилар» .

Биринчи тўқнашув Бухоро деворидан бир чакирим чамаси оркада, Фотхобод олдида рўй беради. Иккала томондан ҳам ўлганлар ва ярадор бўлганлар бирин-кетин жанг майдонида қолиб кетади.

Амир кон тўкилишининг олдини олиш максатида битим тузиш учун кизиллар томонга вакил юборади. Амир вакиллари Усмонбек кушбеги, Хожи Закария ва Азимовлардан иборат эди. «Ёш бухороликлар» тарафидан А. Фитрат, Ф. Хўжаев, Фазлиддин махсум ва Колесов адъютантлари билан биргаликда музокарага киришади. Музокара Ф. Колесовнинг харбий вағонида ўтказилади. Вакиллар Колесовга амирнинг иккинчи фармони нусхасини беришади, унда куйидаги фикрлар мужассамлаштирилган эди.

«Худо таоло номи билан халкимизга маълум киламанки, миллат учун тенглик ва эркинликдан кўра улугрок бахт йўк. Халкимизга ҳуқук ва эркинликлар берилмаса ва давлатни идора қилиш тартиби замон руҳига мувофиқ идора этилмаса, мамлакатимизда

халкнинг бахтли бўлишига ва унинг осуда ҳаёт кечиришига эриша олмаслигимизни жуда яхши биламиз. Халкимизнинг шунчалик орқада қолганлигига ҳамда зулмат ва жаҳолатда турганлигига биринчи сабаб маъмурларимизнинг уюшқоксизлиги ва халкимизнинг қулликда қолганлиги эканлигини иқрор қиламиз.

Мана шу ҳолларни эътиборга олиб ҳамда халкимизнинг ва мамлакатимизнинг турмушини яхшилаш ниятида биз бундан ўн бир ой муқаддам бир фармон чиқарган эдик, лекин баъзи бир амалдорларнинг игвогарлиги сабабли мазкур фармон амалга оширилмай қолди. Бунинг натижасида Бухоро халқи катта жафолар тортди. Мамлакатимизнинг бахтли бўлиши бизнинг асосий вазифамиздир, шу боисдан ушбу иккинчи фармонни чиқариб бизнинг қароримиз қатъий эканлигини бутун халққа эълон қиламиз.

Халкимизнинг бахти учун мамлакатда ўтказадиган вазифаларимиз қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Бутун халқимизга сўз эркинлиги, ҳунар-қасб билан шугулланиш эркинлиги, жамиятлар эркинлиги бериб, таловчиликни ва зулмни тамомила бекор қиламиз.
2. Мавжуд кенгашлар ўрнида Бухоронинг хур фикрли кишиларидан Ижроия қўмита таъсис қиламиз, барча ислохотларни шу қўмитанинг программаси ва қўр-сатмаси бўйича ўтказамиз.
3. Ҳозирги ҳукумат бошида турган кишилар эркинлик душманлари бўлиб, илгаригидек, фитналар қилиш тараддудини қўраётганлиги сабабли уларни четлаштирамиз ва уларнинг ўрнига Ижроия қўмита қўрсатиб берган кишиларни тайинлаймиз.
4. Мамлакатни адолат ва шарият асосида бошқаришни ташкил этамиз.
5. Тан жазоси беришни ва ўлим жазосини мавжуд қонун-қоидалардан чиқариб ташлаймиз.
6. Ҳозирги вақтда амалда бўлган, мамлакатни хароб қилаётган «амлок» солиқ системаси бекор қилинади ва бундан буён биз Ижроия қўмита қўрсатмасига биноан маъқул бўладиган солиқни тайинлаймиз.
7. Мамлакатга савдо ишлари учун зарар қелтираётган «аминона» солиқ системаси бекор қилинади. Мамлакат ишларини ислохот қилиш йўлидаги бизнинг бу қарорларимиз қатъий эканлигини бутун халқимиз яхши билиши лозим.

Ўн тўққизини жумодил аввал, 1336 сана хижрия, бамутобик иккинчи март, 1918 санаи милодия. Амир Сайид Олимхон муҳри».

«Ёш бухороликлар» қўшимча шартлар билан амирни яна ён беришга мажбур этади ва амир қўшинларининг тўла қуролсизлантирилишини талаб қилади. Амир бу талабларни истаган тақдирда ҳам бажаролмасди, бажаришга қучи ҳам етмасди. Чунки сарбозлар ва муллалар даргазаб бўлиб, бутун халқни қоғирларга қарши оёққа турғизмоқда эди. Шундай бўлсада, «Ёш бухороликлар» ва қизил гвардиячиларнинг Уткин ва Абдурахмонов бошлиқ бир гуруҳ қарбийлари амир аскарларини қуролсизлантириш учун Бухорога қириб боради.

Қуролсизлантириш бошланиши биланок амир сарбозлари ўзларини гурури топталган

хисоблайди, чунки кайнок конли мусулмон гайридин кишиси ёнидан ярогини сугуриб олишига чидаб туролмайди ва курулсизлантириш тўс-тўполонга айланиб кетади. Буйсунмас сарбозлар кизил кўшин вакиллари банди этиб азоблаб ўлдирадилар. Амир 35 мингга якин кўшин йигиб, ибтидоий курулланган холда Колесов кўшинига ҳамла қилади. Оқибатда инқилобчиларнинг Тошкент билан алоқаси узилиб қолади ва орқага чекинади.

Термиз ва Керкидан харбий ёрдам ололмайди, бухороликлар юз чакиримдан ортиқ масофадаги, яъни Карманадан Коракумгача, Фаробдан Каттакўргонгача бўлган темир йўл изларини бузиб ташлашади. Жанг ҳаракатлари тўғрисида яна Файзулла Хўжаевдан эшитсак: «Бизда европача артиллерия бўлганлиги амир армиясига нисбатан бизнинг бирдан-бир афзаллигимиз эди, Биз мана шу афзалликлардан фойдаланиб Эски Бухорони тўпга тутишга, шу тарика амирнинг ҳужумини тўхтатишга, шунингдек, шаҳарга ваҳима солиб оломонга таъсир ўтказишга қарор қилдик.

Тўпга тутишни бошлаб юбордик, аммо бир неча соат давом этган тўпга тутиш ҳеч қандай натижа бермади. Кейин маълум бўлишича, биз отган тўп ўқларининг бирортаси ҳам шаҳарга тушмапти. Биз учун аянчли бўлган бу ғалати фактдан мулалар дарров фойдаланиб, кофир ва дахрийларнинг, «ёш бухороликлар»нинг тўпи «Бухорои шариф»ни вайрон қилишга Оллох таоло ва Муҳаммад алайҳиссалом йўл қўймади, улар мусулмонларни ва амирни тўп ўқларидан саклаб қолдилар, деб ташвиқот юритдилар». Кизил кўшин беш кун давомида Тошкент томонга чекиниб борди ва Кизилтепага етганда Тошкентда Колузаев отряди билан ёрдамга етиб келади.

Шундай қилиб, беаёв қонли тўқнашув бир зарб билан «мудроқ уйкудаги қора ўлка»да социалистик жамият ўрнатмоқчи бўлган курулли инқилобчилар ва «Ёш бухороликлар» гуруҳи сўл қанотининг тўла мағлубияти билан якун топди. Бу инқилобчиларнинг Туркистондаги илк мағлубияти эди. Юқоридаги иқтибослардан кўриниб турибдики, бу қонли юришни уюштиришда ўз халқини ўзгалар қўли билан озод этмоқчи бўлган «Ёш бухороликлар»нинг сўл қанот ўнгдорлари Абдурауф Фитрат ва Файзулла Хўжаевлар алоҳида ташаббус кўрсатадилар.

Бу қонли қисмат ва қонли воқеалар тарихга «Колесов юриши» ёхуд «Колесов воқеаси» номи билан қирди.

Колесов воқеаларидан сўнг Бухоро халқи маҳаллий демократларга ҳам, оврўпалик ҳудрсиз курулли инқилобчиларга ҳам ишонмай қўйди. Мамлакатда эса қонли зулм авж олди. Зулмнинг тиги биринчи навбатда тараккийпарвар зиёлиларга қаратилди, қимдақим, жади́дчиликда шубҳаланса ёхуд уларга хайрихоҳ бўлса, у қайси ижтимоий табақа вакили бўлишидан қатъи назар қирринга, ҳар қандайин ҳур фикр — қатогонга гирифтор этилди. Натижада уч кун ичида 5 мингга якин киши ҳибсга олинди 500 дан ортиқ киши турмага ташланди. Регистон майдонида 63 киши Ватан ҳоини сифатида халқ олдида осиб ўлдирилди. Қонли тўқнашувнинг якуни эса мағлуб голибни ўзаро тенг бўлмаган шартномага имзо чектириши билан тугалланди.

Келинг, яхшиси, Кизилтепа шартномасининг бандлари билан танишиб чиқайлик. Битим 1918 йилнинг 25 мартида Кизилтепада имзоланади, шу сабабли тарихга «Кизилтепа битими» номи билан муҳрланди.

«Русия томонидан отряд комиссари В. Я. Шмидт, Харбий Коллегия аъзоларидан Г. А. Колузаев, С. М. Степанов ва В. М. Копилов, Туркистон ўлкаси темир йўл комиссари А. Ф. Салькин, подшо салтанатининг собиқ элчиси П. П. Введенский ва Мирбадаловлар қатнашдилар.

Бухоро амирлиги номидан амирнинг бош закотчиси Мирза Салим парвоначи, Бийхўжа, Абдурауф Карвонбоши, Азиммирбобо Мирохур ва амирнинг бошка аёнлари иштирок килдилар.

Келишув йигинига В. Я. Шмидт раислик, А. Ф. Салькин котиблик, П. П. Введенский тилмочлик килди.

1. Бухоро амирлиги фукароларини биргаликда курулсизлантириш, биринчи бандга куйидаги ўзгартиришлар қўшиб қўйилди. «Чўлда жойлашган Бухоро фукароларидаги курулларни чорвани қўриклаш учун колдириш, улардаги винтовкаларнинг ярмини пилта милтика алмаштириш».

2. Сўнги рўй берган воқеалар-га кадар маежуд бўлган, мунтазам армияни колдириш. Бу банд тубандаги ўзгартиришлар билан қабул килинди. «Армиянинг микдори 12 минг навкар, 12 та тўманбошидан иборат бўлсин ва ҳамма мис куруллар (эски мис замбараклар) амирлик ихтиёрида колдирилсин. Янги замбараклар, пулемётлар билан бирга Туркистон ҳукумати ихтиёрига берилсин».

3. Бухоро амирлигидан паноҳ топган ўрис аксилинкилобчи зо-битларини Шўроларга тутиб бериш.

4. Бухоро ҳукумати темир йўлларни, ҳарбий ҳаракатлар туфайли вайрон бўлган давлат муассасаларини, тинч аҳолининг қўрган зарарларини тиклаш ва Туркистон ХКС ихтиёрига 100 вагон нон (бугдой), биринчи навбатда Тошкентга 20 вагон нон юборишни зиммасига олди.

5. Амирлик ҳудудидаги темир йўл, почта, телеграф ва уларда ишлаётган оврўпалик хизматчиларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

6. Иккала томон ҳам бандиларни шартсиз алмаштириш;

7. Ўрта Осиё темир йўлининг Бухоро ҳудудидан ўтган қисмида Шўро ҳарбийларининг тўсиксиз ҳаракатини таъминлашга қафолат бериш;

8. Амир ҳузурида Шўро комиссари бўлишлигини шартсиз тан олиш. Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Фёдор Колесов. Вактинчалик Туркистон Ташки ишлар ХК вазифасини бажарувчи Х. Э. Кримов. Ва иш бошқарувчи Цётренко имзо чекдилар». Ўз-ўзидан қўриниб турибдики, дўст тутинмокчи бўлган гуруҳлар бундай битимни таклиф ҳам қилмайдди, имзо ҳам чекмайдилар. Иккала томоннинг ҳам мақсади битта, вақтдан ютиш, бўлгуси ҳал қилувчи жангга пухтарок тайёрланиш эди. Замонавий ҳарб илмидан хабардор амир (у Петербург ҳарбий кадрлар корпусини битирган ва подшо армиясининг генерал майори унвонини олган эди). 13 минг ибтидоий курулланган сарбозлари билан 70 минг атрофидаги жангу жадал қўрган, «қахрамонлик» қўрсатишда Искобелов аскарларидан ҳам қолишмайдиган, замонавий ярогли улкан армияга бас кела олмаслиги, қизил қўшиннинг зарурат тугилса марказдан яна истаганча мадад қучи олиши мумкинлигини яхши биларди. Шунинг учун бўлса керак, амир янги тўқнашувнинг олдини олиш учун Самарканд ва Тошкентда Бухоро элчихоналарини очди, Москвага 1920 йилнинг 8 июнида РСФСР ташки ишлар халқ комиссари Г. Чечерин ҳузурига тинчлик делегациясини юборади ва икки давлат ярим асрдан зиёд дўстона яшаётганини таъкидлаб, иқтисодий, сиёсий, зарурат тугилса, бир-бирига ҳарбий ёрдам беришга чақиради ва Москвада Бухоро давлатининг элчихонасини очишни сўраб, унга Мирза Мухди Хўжабоевни элчи этиб тайинлаганини билдиради.

Лекин амирнинг ҳаракатлари зое кетди. Икки ярим йиллик танаффусдан сўнг курулли инкилобчилар Туркфронт қўмондони Михаил Фрунзе буйруғига мувофиқ, ўта жиддий тайёргарликдан сўнг 29 август куни Эски Бухоро қалъасига ҳужум бошлади. «Охириги

хужум бошланди, — деб ёзади Г. Омелюстий ўзининг «Бухоро калъаси остида» деб комланган хотираномасида. (Макола Бухоро ва Хоразм инкилобининг 10 йиллиги муносабати билан маколалар тўплами сифатида чоп этилган).— Душманга озми-кўпми зарар бериши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммаси жангга солинди. ...Якин келтириб қўйилган тўплар Карши дарвозасининг арчадан ясалган табакаларини ниҳоят ёриб ўтди. ...Кўча жанги бошланди. Устиларига ҳамма томондан ўк ёғдириб турилган, кўл гранаталари иргитилаётган, ҳатто томлардан, деразалардан кайнок сув қуйилиб турган вақтда ҳам Бухоронинг инкилобий отрядлари, кизил гвардиячилар, кизил аскарлар гуруҳлари шаҳар ёнгинлари орасидан ёриб ўтиб, олға боравердилар. Кингир-кийшик тор кўчалар, калин пахса деворлар ҳар бир кадамда тўскинлик тугдирмокда эди. Ҳар бир уй, ҳар бир маҳалла жанг билан кўлга киритилди. Чунки даргазаб оломон «оллох-оллох» деб бакириб, бизнинг тўхтовсиз отилиб турган пулемётларимиз томон келаверардилар».

Арк олди ва атрофи ловуллаб ёнмокда эди. Инглиз жосуси майор Блейкернинг хотираномасидан эса «... броневиклар оломон тўла кўча бўйлаб кон кечарди» деган сўзларни ўқиш мумкин. Худди шунга ўхшаш жанг лавҳаларини Верешагин, Кауфман, Искобелов, Терентев китобларида ҳам учратса бўлади.

Шониёз Дониёров